

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ



БУХОРО МУҲАНДИСЛИК – ТЕХНОЛОГИЯ
ИНСТИТУТИ

БОЛАЛАР КИЙИМИНИ ЛОЙИХАЛАШ
МАВЗУСИДА

КУРС ИШИ

Топширди: _____ **гуруҳи талабаси**
Safoyeva Madina

Қабул қилди: **Тошева Г.**

Бухоро – 2016 й

МУНДАРИЖА

И. КИРИШ

ИИ. АСОСИЙ ҚИСМ

2.1 ЗАМОНАВИЙ МОДА ЙЎНАЛИШИ

2.2 КИЙИМГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

2.3 МОДЕЛ - АНАЛОГЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

2.4. ГАЗЛАМАЛАР ПАКЕТИНИ ТАНЛАШ ВА АСОСЛАШ

2.5. ТАНЛАНГАН МОДЕЛЛАР КОЛЛЕКСИЯСИНИ ТАСНИФЛАШ

2.6. ТАНЛАНГАН МОДЕЛЛАР УЧУН БЕЗАК ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ТАНЛАШ

ХУЛОСА

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

И. КИРИШ

Ҳозирги пайтда, айниқса, Республикамиз бозор иқтисодиёти шароитида барча тикувчилик саноати корхоналарининг олдида турган энг долзарб муаммолардан бири — аҳолини сифатли ҳамда бежирим кийим-кечаклар билан, уларнинг моддий ва маданий яшаш даражасини оширишни таъминлашдан иборат. Тикувчилик саноати аҳолини сифатли кийим-кечаклар билан таъминлаши учун ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, саноат корхоналарини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, материалларнинг ассортиментларини кенгайтириш лозим. Кейинги вақтларда тикувчилик саноатининг хомашё базаси гуркираб ривожланмоқда. Чунки, асосий хомашёни етказиб берувчи тўқимачилик саноатининг тармоқлари кенгаймоқда. Республикамизда бир қанча қўшма корхоналарнинг очилиши бунинг исботидир. Масалан, Андижондаги "АССАМ-текстил", "Шаҳри ипак" қўшма корхонаси, Фарғонадаги "Саломат" Ўзбек-Руминия қўшма корхонаси, Наманган вилоятидаги "Наманган-Юртекс" Ўзбек-Россия қўшма корхонаси, Қаршидаги "Қаршитекс" Ўзбек-Туркия қўшма корхонаси, Қобул-Тўйтепа текстил, ҳамда Италия билан ҳамкорликдаги "Спининг силк" қўшма корхоналар шулар жумласидандир.

Тўқимачилик саноат корхоналари тикувчилик корхоналарига турли хил кўринишдаги кийим-кечаклар тикиш учун ҳар хил газламалар, тикувчиликда ишлатиладиган ғалтак ипларни етказиб беради. Натижада, тикувчилик саноати аҳоли ва халқ ҳўжалигининг барча тармоқлари учун мавсумий, замонавий модага мансуб бўлган, иқтисодий талабларни қондирувчи кийим-кечаклар ишлаб чиқаради. Бу саноат ходимлари тикувчилик материалларидан самарали фойдаланиш, юқори сифатли бежирим буюмлар ишлаб чиқариш учун материалларнинг олиниши, хоссалари, физик-механик кўрсаткичлари ва ассортиментларини яхши билишлари керак. Чунки, тикувчилик материалларининг хоссалари, уларнинг қаҳаай толалар, иплардан ташкил топганлиги, ўрилиши, пардози ва бошқа кўрсаткичларига боғлиқ.

Кийим одам гавдасининг бир қисмини ёки ҳаммасини ёпиб туради. Кийим ассортименти халқ талабини қондириш учун тикувчилик саноатида нимага мўлжалланганига қараб чиқарилади. Тикувчилик саноатида қабул қилинган классификацияга кўра замонавий кийимлар икки турга: маиший ва ишлаб чиқариш кийимларига бўлинади. Маиший кийим: уст кийимлар, костюм-кўйлақлар, ич кийимлар, кўрпа-ёстик буюмлари, бош кийим ва корсетлар каби гуруҳларга бўлинади. Кийимлар нимага мўлжалланганига қараб, қуйидаги гуруҳларга бўлинади: - уст кийим -- палто, калта палто, қишки палто, плаш, куртка ва ҳ.к. - костюм-кўйлақлар — кўйлақ, блузка, юбка, жакет, пиджак, шим ва ҳ.к. - ич кийимлар -- пижама, тунги кўйлақ, чўмилиш кийимлари ва ҳ.к. Жинси ва ёшига қараб кийимлар кичик гуруҳларга бўлинади — аёллар, эркеклар, қиз болалар, ўғил болалар кийимлари. Болалар кийими ўз навбатида юқори синф ўқувчилари, мактаб

ёшидаги болалар ва мактаб ёшигача бўлган болалар кийимларига бўлинади. Майиш кийимлар қуйидагиларга бўлинади; - йилнинг қайсифаслида кийилишига қараб — баҳорги-кузги, қишки, ёзги кийимлар; - қаерда кийилишига қараб — кундалик кийим, спорт кийими, уй кийими, тантанали маросимлар кийимлари. Аёллар уст кийими сунъий, жун ёки синтетик толали газла-мадан тикилган бўлади. Аёллар уст кийими модели гавдага қай даражада ёпишишига, силуетига, енг бичимига, ёкасига қараб турлича бўлади. Ишлаб чиқариш кийимлари - халқ хўжалигининг турли соҳаларида кийишга мўлжалланади. Ишлаб чиқариш кийимлари классига махсус ва расмий (форма) кийимлар киради. Махсус кийим ишлаб чиқаришдаги зарарли муҳитдан одамни муҳофаза қилади. Махсус кийимларга асосан: комбинезонлар, курткалар, шимлар, плашлар ва ҳ.к. киради. Форма қайси соҳа ёки қайси ишлаб чиқариш ишчиси эканини билдирадиган кийимдир. Кийимлар қаерда кийилишига қараб кундалик ва танта-наларда кийиладиганларга ажратилади. Кундалик кийим — кунда кийиладиган кийим. Тантана кийими — турли байрамларда кийиладиган кийим. Аёллар уст кийими хилини оширишга универсаллаш йўли билан эришилади, «Универсаллаш» сўзи «турли йўллар билан ишлатилиши мумкинлигини» билдиради. Яъни универсал кийим - ҳар хил вақтларда кийилиши мумкин. Бу кийимнинг формаси, материали ва беаги қўшимча безатувчи нарсалар (мунчок, занжир ва ҳ.к.) тақиб, олиб қўйиладиган ёқалар, манжетлар ва ҳоказолар унинг қаерга кийилишига қараб ўзгартирилиши мумкин. АёйИар кийимлари ёшга қараб уч гуруҳда ишлаб чиқарилади — кичик, ўрта, катта ва тўртта тўлаликда бўлади. Европаликлар билан кийим алмашишда унинг ўлчам стандартларидан фойдаланилади. Аёллар кийимларининг товар ёрлиқида: одам бўйи, кўкрак айланаси ва бўкса айланаси қисқартирилмаган ҳолда белгилаб қўйилади. СХ-лВ млоданинг тили баъзан, албатта, таржима қилинишни талаб этади. Бу мода бир пайтлари севган ёки яқиндагина ҳаётга киритиб, машҳур қилган нарса ва ҳодисаларга бир хилда керак бўлади. Эскилари кўпинча унутилган, янгилари эса ҳали кўпчиликка тушунарсиз бўлгани учун унинг атамалари ҳамиша изоҳга, тушунтиришларга муҳтож бўлади.

ИИ. АСОСИЙ ҚИСМ

2.1 ЗАМОНАВИЙ МОДА ЙўНАЛИШИ

Тикувчилик буюмларини лойиҳалаш ва моделлаштириш дизайнерлик фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир. Дизайн — бадий лойиҳалашнинг бир тури бўлиб, буюмлар муҳитини қулайлик, тежамкорлик ва чиройлилик принципларини бирлаштирган ҳолда яратишга хизмат қилади. Тикувчилик буюмларини лойиҳалаш билан шуғулланадиган

киши ўзининг пировард мақсадига – чиройли буюм яратишга ҳаракат қилар экан, биринчи навбатда, мазкур буюмнинг эстетик қиймати нимадан иборат эканлигини билиши лозим.

Замонавий кийим жуда хилма-хилдир, унинг тузилиши ва размерлари одам гавдасининг ўлчамлари ва тузилиши, мода ё`налиши мо`лжалланиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Кийимнинг тузилиши деб, бевосита одам танасида кийим ҳосил қиладиган фазовий сиртга айтилади.

Кийимнинг ички ва ташқи тузилиши ва размерлари ажратилади.

Кийимнинг ички размерлари ва уларга тегишли одам гавдаси размерлари орасидаги фарқга кийим тўқислиги учун бериладиган қо`шимча ҳақ дейилади.

Кийимнинг ташқи тузилиши унинг ички тузилиши билан ва конструктив-силует чизиқлари билан аниқланади. Силует чизиқлари кийимнинг пропортсиялари, ҳажмий шакли ва ташқи кўринишини характерлайдилар.


Конструктив чизиқлар кийим сиртини алоҳида қисмларга бўладилар (деталларга) ва шунинг натижасида кийимнинг ҳажмий шакли вужудга келади.

Кийим силуети бу модани аниқловчи композитсиянинг асосий элементларидан биридир.

Мен ҳам битирув малакавий ишимда ишлаб чиқаришдаги моделни айрим кичик деталларини ўзгартириб, асосан ишлов бериш жихозлари ва ишлов бериш технологиясини ўзгартириб, кийимга қўйилган талабларни назарда тутиб танладим. Классик услубдаги кийимларни тикиш ва лойихалашда конструктив чизиқлар аниқ ва қўшимча безак деталларсиз ишлов берилади Шу сабабли эркаклар сорочкасини танладим. Бу кийим кундалик иш кийим хисобланади. Газламанинг хосса ва хусусиятлари моделга мос.

2.2 КИЙИМГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Кундалик кийимга қўйилувчи талабларнинг деярли барча мавжуд тавсифлари истеъмол ва ишлаб чиқариш талаблари йиғиндисидан иборат. Кийимга қўйилувчи талаблар мажмуини 1.2-расмда тасвирланган йириклаштирилган схема кўринишида келтириш мумкин.



1.2-расм. Кийимга қўйилувчи талаблар мажмуи

Истеъмол — ижтимоий

функционал

эргономик

эксплуатацион

эстетик

Ишлаб чиқариш — антропометрик

гигиеник

психофизиологик

1.2.1. Истеъмол талаблари

Кийимга истеъмол талаблари ижтимоий, функционал, эргономик, эстетик ва эксплуатацион ифодаланган. Ижтимоий талаблар жамият тарбияси асосларига жавоб берувчи ва ички ҳамда ташқи бозорда рақобатбардорлигини исботлаган мақсадга мувофиқ кийим ассортименти (шу жумладан, ўлчам-бўйли) харидорлар талаби билан аниқланади. Функционал талаблар кийимнинг композицион тузилиши, конструкцияси ва материаллари бўйича аниқ вазифага, катталар ва болаларнинг гавда тузилиши хусусиятлари, уларнинг қиёфаси ва руҳий ривожланишига мослик талаблари билан тавсифланади. Бундан ташқари, модел характери, газлама, пардозлар, ранглар ечими истеъмолчилар дидига жавоб бериши керак.

Эргономик талаблар антропометрик, гигиеник ва психофизиологик талаблар мажмуини ўз ичига олади.

Антропометрик талаблар кийимнинг турли ёш гуруҳлари гавда тузилиши хусусиятлари, пропорциялари, гавда шакли, ўлчам, бажарадиган ҳаракатлар характери мувофиқлигидан иборат. Бу кийим конструкцияси ўлчам типологияси асосида бажарилиши ва кийимнинг гавдага нисбатан ҳаракатланиши чегараланишида ҳаракатнинг максимал эркинлигини таъминлаши кераклигини англатади. Костюмнинг энг ҳаракатланувчи қисми сифатида энглар бичими катта эътибор бериш зарур. Болалар учун кийимни лойихалаштиришда ноқулай кийим болаларни фаолликдан маҳрум қилиши, ҳаракатланишга ҳалақит бериши, ҳаракатланишга тўсқинлик қилишини ҳисобга олиш зарур. Тор костюм организм ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир этади, қон айланишининг бузилиши, тери қопламанинг шикастланишига олиб келади.

Япон олимлари томонидан ўтказилган тадқиқотлар қўл ва оёқлар ҳарорати қисувчи кийим кийишда ошишини кўрсатади. Кийимнинг қўл-оёқларни сиқиши босимдан таъсирланувчи теридаги асаб учларининг яллиғланиши натижасида ҳароратни тартибга солиш механизмини ўзгартиради.

Кийимнинг кийиб юрилиши жараёнида инсон гавдаси юзаси билан тикувчилик маҳсулотларининг турли зоналари ва участкаларининг тегилишида пайдо бўлувчи кучларни аниқлаш бўйича изланишлар ҳам маълум. Кийимнинг баданга $1,5 \text{ Н/см}^2$ га босимида ноқулайлик кузатилмайди. Босимнинг $2,5 \text{ Н/см}^2$ дан ортиқ катталигида эса ноқулайлик шу даражага эришадики, бу тикувчилик маҳсулотининг ишлатилиш имкониятига анча таъсир этади.

Тикувчилик маҳсулотлари конструкциясининг сифатини баҳолашда “қулайлик” ва “ўнғайлик” тушунчалари энг кўп қўлланади. Бироқ қулайлик ёки ўнғайликнинг субъектив баҳоланиши объектив баҳодан кўпинча фарқ қилади, чунки инсон эргономика нуқтаи

назарида нораціонал конструкціяга мослашиши мумкин. Айниқса, бола сўзларидан кийим сифатининг эргономик баҳосини аниқлаш қийин.

Кийим конструкцияси эргономик мувофиқлиги $P_{эм}$ математик модели биринчи даражада куйидагича кўринишда бўлади:

$$P_{эм} \approx P_{ст} \cdot P_{дин},$$

бу ерда:

$P_{ст}$, $P_{дин}$ – кийимнинг статик ва динамик мувофиқлиги.

Статик мувофиқлик кийимни лойиҳалаштиришда унинг конструкциясининг таянч участкалари рационал ўлчамлари ва шакллари аниқлаш учун бошланғич бўлади. Шу билан бирга кийимдан фойдаланиш шартларини ҳисобга олган ҳолад сифатни баҳолашда биринчи ўринга динамик мувофиқлик кўрсаткичлари чиқарилади.

Статик ва динамик мувофиқликнинг юқори даражасини таъминловчи катталар ва болалар учун кийимни лойиҳалаштиришда динамик мувофиқликнинг эргономик кўрсаткичларини максималлаштириш ёки минималлаштириш зарур, бунга системанинг бошқарилувчи ўзгаришларини оптималлаштириш билан эришиш мумкин, яъни

$$P_{дин} \approx P_u(x^*) \cdot exmp P_u(x),$$

бу ерда:

x^* - кийим конструктив кўрсаткичларининг оптимал қийматлари;

$exmp$ – кўрсаткич табиатига қараб кўрсаткичнинг максимал ёки минимал қиймати.

Ушбу масала қарор қабул қилиш конструктор масаласига тегишли бўлиб, муқобиллар кўплигини кўриб чиқиш, уларни қиёсий баҳолаш ва энг яхшисини танлашдан иборат.

Тенгламани бир вақтда ҳамма кўрсаткичлар бўйича қониқтирувчи $x \approx x^*$ конструктив кўрсаткичлар оптималлаштирилиши мавжуд бўлмагани туфайли масала комплекс кўрсаткичларни аниқлашдан иборат бўлиб, у K_u баҳолари, P_u яқка кўрсаткичлари ва уларнинг m_u оғирлик коэффициентларига боғлиқ бўлган асосий баҳолаш мезони K , динамик мувофиқликнинг комплекс эргономик кўрсаткичи P ни максималлаштириш орқали эришилади.

Оптималлаштиришнинг асрсмй мезонидан ташқари маҳсулотнинг газлама сиғимининг қўшимча техника-иқтисодий кўрсаткичи M_0 ни ҳисобга олиш зарур бўлиб, у асосий мезон бўйича қабул қилинган ечимни баҳолашда чекланиш каби фойдаланилади:

$$Max \cdot K(n) \approx \phi[K_u(P_u)m_u], M_u < M_0,$$

бу ерда:

M_u – маҳсулотнинг u -конструкцияси газлама сиғими;

M_0 – маҳсулотнинг база конструкцияси газлама сиғими.

Ушбу моделнинг қўлланиши кийим конструкциясининг энг самарали вариантини танлашга имкон бериб, унинг кўрсаткичлари оптимал бўлади.

Гигиеник талаблар энг аввало организм атрофида оптимал микромуҳит яратиш орқали унинг зарур иситилиш ҳолатини таъминловчи ва инсон баданини ноқулай иқлимий таъсирлар, ифлосланишлар ва шикастланишлардан ҳимоя қилувчи кийимнинг асосий вазифасини аниқлайди.

Психологик талаблар инсон ҳислари орқали қабул қилинувчи хусусиятларда амалга оширилади. Кийим салбий таъсирлар ва ноқулай ҳисларни чақирмаслиги керак. Катталар ва болалар организми ва баданига ноқулай таъсирларни маҳсулотнинг ортиқча вазни, унинг қалинлиги, чокларнинг қўпол ишлов берилиши, бел, билакларнинг резина билан қаттиқ сиқилиши чақириши мумкин. Бундан ташқари, кийим кийиш ва ечишда, ҳамда унинг алоҳида элементларидан фойдаланишда қулайлиги билан ажралиб туриши керак.

Костюмга қўйилувчи эстетик талаблар моделнинг композицион ва рангли ечими такомиллиги, қисмлар ва яхлитликнинг уйғунлиги, мослиги, шаклнинг пластик ифодалилиги, унинг тектоникаси, предмет дунёси билан стилистик боғлиқлиги, модел ва конструкция янгилиги, товар кўриниши билан аниқланади. Костюм шакли – бу фазовий-вақтلى тоифа бўлиб, унга маданият, услуб, мода, жамиятнинг илмий-техника тараққиёти, инсоннинг индивидуал сифатлари тўғрисида муайян маълумот мужассам бўлади.

Композиция шаклнинг барча элементларини, костюмнинг ғоявий-бадий ва образли мазмунини ифодаловчи яхлит асарга бирлаштириш воситаси бўлиб хизмат қилади. Замонавий костюмнинг эстетик даражаси унда қайд этилган омилларнинг ўзаро мосланиши билан аниқланади.

Кийимга қўйилувчи эксплуатацион талаблар анча муҳим бўлиб, улар кийимнинг (унинг шакли, материали, конструкцияси, деталлари ва чокларининг) ишқаланиш, ғижимланиш, узилиш, эгилиш, ҳаво, ёруғлик, кимёвий тозалаш, ювилиш таъсирларига чидамлилиги билан тавсифланади. Кийимнинг янги моделини лойиҳалаштиришда бу талабларнинг ҳисобга олинишини функционал элементлар (чўнтаклар, тақилмалар ва бошқалар) рационал конструкцияларини танлаш ва материалларни пакетга тўғри тўплаш билан амалга оширилади.

1.2.2. Ишлаб чиқариш талаблари

Кийимга қўйилувчи ишлаб чиқариш талабларини конструкторлик-технологик ва иқтисодий талабларга ажратиш мумкин. Конструкторлик-технологик талабларни тикувчилик маҳсулоти конструкциясининг технологиклиги, моделни тайёрлаш учун меҳнат сарфи ва муддати аниқлайди. Ишлаб чиқариш жараёнини рағбатлантирувчи муҳим

восита деталлар, алоҳида конструкциялар, тугунларни стандартлаштириш ва унификациялаштиришдир. Конструктив асосни сақлаб қолиб, элементларни вариациялаш ёрдамида моделнинг образли янгиланишига эришиш мумкин. Кийим моделларини унификациялаштириш бўйича иш бу бир конструктив асосда моделлар оиласини моделлаштириш методидир. Кийимни тайёрлаш технологиклиги ишлаб чиқариш жараёнида оптимал ва тежамли технологик жараёнлар, маҳсулот ишловининг қулайроқ усуллари ва йўлларида фойдаланиш имконияти билан белгиланади. Иқтисодий талаблар ишлаб чиқариш тежамкорлиги (кийим моделини тайёрлаш учун харажатлар) ва маҳсулот эксплуатацияси учун истеъмол харажатлари (кимёвий тозалаш, ювиш ватиклаш учун харажатлар) кўрсаткичларини ҳисобга олади. Сотувга чиқарилувчи енгил саноатнинг арзон маҳсулотлари улуши аста-секин қисқариб бораётганини ҳисобга олиб, маҳсулотнинг ички резервларини излаб топиш, яъни унинг мустаҳкамлилиги (узок вақт хизмат қилиши ва универсаллиги) масаласи алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда.


1.2.3. Болалар кийимини лойиҳалаштиришга қўйилувчи талаблар

Турли ёш гуруҳдаги болалар учун кийимни лойиҳалаштиришда баъзи талаблар биринчи даражали, бошқалари – иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлади. Масалан, кичик боғча ёшидаги болалар учун кийимларга энг аввало физиология билан боғлиқ бўлган специфик сабабларга кўра биринчи навбатда гигиеник, ундан кейин эса эстетик ва конструкторлик-технологик талаблар қўйилиши керак. Мактабгача ёшдаги болалар учун кийимга гигиеникдан ташқари антропометрик, эксплуатацион ва эстетик талаблар қўйилади. Бирок амалиётнинг кўрсатишича, бу талаблар енгил саноат ишлаб чиқарувчи маҳсулотларда доимо ўз аксини топавермайди.


Энди болалар кийимида қўйилувчи асосий талабларни батафсилроқ қараб чиқамиз.

Эргономик талаблар. Болалар учун кийимни лойиҳалаштиришда кийимнинг динамик мувофиқлиги кўрсаткичларини аниқлаш учун болаларнинг энг характерли ҳаракатли ва ҳолатлари танланиши керак.

Катталарнинг турмуш, ишлаб чиқариш ва спорт фаолиятида қўлланувчи ҳаракатларининг мавжуд таснифи уларнинг сифатий фарқланиши туфайли болалар учун ҳаракатларни танлашда қўллана олмайди. Шунинг учун болалар кун давомида бажарувчи ҳаракатлар мажмуи таянч-ҳаракат аппарати ишига кўра танланади.



1.3-расм. Боланинг «тик турган» ҳолатдан ҳаракатлари таснифи



ёндошув зарур.

2.3 МОДЕЛ - АНАЛОГЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Замонавий жамиятда мода оммабоп хулқ шаклларида биридир. Демак, *мода* атамасини қуйидагича таърифлаш мумкин: мода бу ўзига хос усул, сиймо, ижтимоий ахборотни ишлаш учун меъёр (психолог Л.Петровнинг таърифи); мода бу кўп инсонларга оид сезиш тури (американ ижтимоий психолог Э.Богардуснинг таърифи); мода ижтимоий гуруҳлар афзал кўрган такрорланадиган ўзгаришлар серияси (американ ижтимоий психолог Э. Росснинг таърифи).

Мода ўзгариш жараёнда бўлган моддий ва рухий қийматларга кирадиган барча маданият турларига мансуб: санъат (рангтасвир, адабиёт, мусиқа, театр, кино, дизайн), фан, техника, сиёсат, спорт. Дизайн - мода механизмини фаол таъсир этадиган маданият соҳасидир.

Мода инсонни атрофидаги барча буюм муҳитига таъсир этади, яъни интерер ва магазинни витриналари безагига, маиший буюмларни, оммабоп байрамларни ва саир томоша индустрия дизайнига.


Аммо, кўпинча мода инсоннинг ташқи кўринишида акс этади: либосларида, соч турмагида, макіяжида, муамола тарзида, буюмлар доирасида.

Костюмда инсоннинг талаклари ва интилишлари, ўзи тўғрисида ва атрофидаги инсонларга ижтимоий муносабати ва ижтимоий ҳолини акс этгани боис, канадалик жамиятшунос М.Маклюен инсоннинг уйини ва либосини “бизнинг теримизни давоми” деб айтишга асос булган.

Мода костюмга, буюмлар хоссасига, ғояларга, сузларга ва б., яъни мода намунаси бўладиган буюмларга (мини юбка, соч ранги ва турмаги, автомобил маркаси, тоғда дам олишга ва б.) таъсир этади.

Моданинг таркиби қуйдаги элементларидан иборат: модали стандартлар - муамола ва ҳатти-ҳаракат намуналари ёки усуллари; модали объектлар, улар моддий ва моддий эмас бўлиши мумкин: буюмлар, ғоялар, сузлар, объектларнинг хоссалари; моданинг қиймати; мода мухлисларнинг ҳатти-ҳаракати модали стандартлар, объектлар ва қийматларга ориентлашган.







Моданинг ҳар бир намунаси уни мухлисларига муайян мақсадга эришишга, интилишга; замонавий кўриниб туришига ёки оммалар орасида ажралиб туришига, атрофдаги инсонларга ўзи тўғрисида маълум маълумот беришига имкон беради.

Замонавий йирик шаҳар-мегаполисда мунасобат воситаси сифатида моданинг роли жуда катта, у эрда инсонлар орасидаги мунасобатлар қисқа муддатли (кучада, транспортда, жамоат жойларида ва б.). Шунинг учун ўзи тўғрисида инсон бермоқчи бўлган маълумотни костюм беради.

Мода таркибининг қийматларини орасида биринчиси (атрибутив ёки ички) ва иккинчиси мавжуд.

Модани *биринчи* қийматларига *замонавийлик, универсаллик, демонстративлик ва ўйин киради.*

Замонавийлик – моданинг таркибида фундаментал қийматидир. Ҳар қандай янгиликлар модалари бўла олмайди, ва ҳар қандай модалари стандартлар ва намуналар ҳам янги бўлмайди (масалан, “ретро” услуби). Экологик услуб модада янги юқори технологик синтетик материалларни ишлатишни инқор этиб, минг йиллар мабойнида маълум анъанавий зиғир, ип, шойи ва жун газламаларни киритди.

Модада янгилик - бу аввалги модага нисбатан янги ғоялардир. Замонавийликнинг қиймати модани мухлисигасига “вақт билан юрۇвчи” деб ўзини хис қилишга ва тез ўзгаришган замонга мослашишга имкон беради.

Универсаллик (диффузлик) вақтдан ташқари ҳеч қандай чеклашни эътироф этмайди.

Костюм тарихида моданинг универсаллиги XIX асрда юз берди, ХВІ асрда эса Европада аввал италиян, кейин испан модалари кенг тарқалганди. Моданинг ривожланиши жамиятни барча ўзгаришларини акс этади: саноатнинг гуркураб ривожланишини, янги транспорт ва коммуникация воситаларини пайдо бўлишини, халқлар аро маданий алоқаларни кучайишини. Маданий намуналарни бир ижтимоий гуруҳдан иккинчисига, бир мамлакатдан бошқа мамлакатга ўтишида моданинг муҳим қийматларидан бири универсаллик ҳисобланади.

В.М.Краснов мода тарихида универсаллик билан боғлиқ уч томонини ажратган: ягона мода (ибтидоий жамиятда); маҳсус мода (табақали жамиятда); оммабоп мода (демократик жамиятда).

Қисқа вақт давомида оммабоп бўлган ҳодисаларни “мода доирасида ички оқимлар” деб америка жамиятшунос Э. Богардус номлаган. Уларга *фад* (инжиқлик, тентаклик, тез утар ишқивозлик барча жамиятни эмас, балки айрим ижтимоий гуруҳларни оғушига олган), *сразе* ёки фетиш (мода билан оммабоп ишқивоз этилиш, мойиллик).

Демонстративлик мода коммуникациясини бир шаклдир, у мода мухлисларига ўз тўғрисида бошқаларга маълумот беришига имкон беради. Энг аввало мода ўз ижтимоий мақомини ёки ундан ҳам юқори иллюзиясини намоиш этишга имкон беради.

Моданинг *ўйин* қиймати эвристик ижодий фаолияти билан боғлиқ ва у янгиликни излашни, янгини яратишни, эскиликни янги сифатида тавсия этишни рағбатлантиради. XX аср ўйинни инсон миаданиятини универсал элементи сифатида ҳисоблайди. Постмодернизмда ўйин маданий бойликлар ва тимсолларни чексиз комбинатсиялаш усули ёрдамида маданиятни яратиш усули бўлди. Замонавий дизайнда ўйин элементлари муҳим рол ўйнайди, чунки ўйин инсоннинг ижодий қобилиятларини ривожланишига қаратилган, унда натижаси эмас, балки жараён муҳим (дизайнер ва истеъмолчининг

хаммуаллифлиги концепсияси билан боғлиқлиги). Ўйин дунё тушуниш шакли бўлса, мода эса ўзига хос қоидаларига эга ўйин муамоласининг шаклларида биридир. Модага асосий ўйин хусусиятлари мансуб: фазода эмас, вақт мабойнида чекланиш, ихтиёрлик, одатий ҳаёт чегарасидан чиқиш, муайян “ўйин қоидаларини” мавжудлиги.

2.4. ГАЗЛАМАЛАР ПАКЕТИНИ ТАНЛАШ ВА АСОСЛАШ

Толаларининг таркиби, тузилиши ва пардозланиши жихатидан шойи газламалар турли-туман бўлади. Шойи газламалар ассортиментининг 998% ини кимёвий толалардан тўқилган газламалар ташкил қилади. Савдо прејскуранти бўйича шойи газламалар саккиз гуруҳга бўлинади, ҳар бир гуруҳ олти кичик гуруҳдан иборат (11-жадвал). Шойи газлама артикулининг биринчи рақами гуруҳ рақамини, яъни тола таркибини, артикулнинг иккинчи рақами кичик гуруҳ рақамини, яъни газламанинг тузилиши ва нимага ишлатилишини кўрсатади. Демак, ипакдан тўқилган барча газламаларда артикулнинг биринчи рақами 1, бошқа толалар қўшилган ипакдан тўқилган газламаларда 2, сун'ий иплардан тўқилган газламаларда 3, бошқа толалар қўшилган сун'ий иплардан тўқилган газламаларда 4, синтетик иплардан тўқилган газламаларда 5, бошқа толалар қўшилган синтетик иплардан тўқилган газламаларда 6 рақами билан белгиланади ва ҳоказо.

Креп газламаларда артикулнинг иккинчи рақами 1, глад газламалар (полотно, саржа, атлас урилишда тўқилган газламалар) да 2, жаккард газламаларда 3 рақами билан белгиланади ва ҳоказо. Артикулнинг учинчи ва кейинги рақамлари ўзгариши мумкин. Улар газламанинг кичик гуруҳ чегарасидаги тартиб рақамини билдиради. Барча шойи газламалар артикули беш рақамдан иборат бўлади. Охирги иккита гуруҳни штапел газламалар ташкил қилади.

Шойи газламалар ассортименти тез-тез ўзгариб туради. Уларнинг ассортименти эластик, хажмдор ва профилланган синтетик иплар ишлатиш (бундай иплар мустиқ ишлатилади ёки табиий ва сун'ий ипак билан қўшиб ишлатилади), ўрилиш турларини мураккаблаштириш (йирик гулли мураккаб ўрилишларни кенг қўллаш), шойи газламаларни пардозлашнинг ҳар хил усуллари (гофре, тезоблаш, гул босиш, термик ишлов) ҳисобига кенгаяди. Ассортиментни ривожлантиришнинг асосий ёналишлари: тўшамали, ялтироқ сиртли зич газламалар яратиш; сиртлари бир-биридан кескин фарқ қиладиган (бир томони силлиқ, ялтироқ, иккинчи томони гадир-будур ёки силлиқ, лекин хира) газламалар ишлаб чиқариш; кучли, шаклдор пишитилган ва текстураланган иплардан фойдаланиб, эпонж типидagi фактура сиртли, шу жумладан, нафис газламалар яратиш; штрих эффектини ва чала йигирилиш эффектини берадиган газламалар ишлаб чиқариш.

Чиройли кўйлаклик ва кўйлаклик-костюмлик газламалар ишлаб чиқариш учун атсетат ёки триатсетат толадан олинган иплар ярқироқ металл иплар қўшилган текстураланган иплар, профилланган капрон қўшиб пишитилган

триатсетат ипакдан қилинган хажмдор иплар кенг қолланилади. Майда гулли ва йирик гулли ўрилишларда тўқилган, бир қатламли ва кўп қатламли, сидирга ва гулдор, ясси ва хажмдор структурали газламалар ишлаб чиқарилади.

Астарлик газламалар ассортиментида вискоза, атсетат, вискоза-атсетат иплардан атлас ўрилишда, шунингдек, майда гулли ва ҳар хил йирик гулли ўрилишларда тўқилган газламалар ишлаб чиқариш кенгаймоқда.

Плашлик газламалар ассортименти гул босилган газламалар, штапел лавсан-вискоза ёки вискоза-капрон аралаштириб йиғирилган калава ипдан полотно ўрилишда тўқилган резиналанган газламалар, унгига пленка қопланган газламалар билан тўлдирилмоқда. Соф вискоза ва аралаш калава ип: триатсетат-вискоза, триатсетат-вискоза-капрон калава ипдан тўқилган штапел газламалар ишлаб чиқариш кенгаймоқда.

Газламалар группаси (артикулнинг иккинчи рақами)

	Газламаларнинг кичик группаси (артикулнинг иккинчи рақами)	Ипак иплардан тўқилган газламалар	Бошқа толалар қўшилган Ипак иплардан тўқилган газламалар	Сунъий иплардан тўқилган газламалар	Бошқа толалар қўшилган сунъий иплардан тўқилган газламалар	Синтетик иплардан тўқилган газламалар	Бошқа толалар қўшилган синтетик иплардан тўқилган газламалар	Сунъий толалардан ва бошқа толалар қўшилган сунъий толалардан тўқилган газламалар	Синтетик толалардан ва бошқа толалар қўшилган сунъий толалардан тўқилган газламалар
1	Креп.....	11001	21001	31001	-	-	-	-	-
2	Глад.....	12001	22001	32001	42001	52001	62001	72001	82001
3	Жаккард.....	13001	23001	33001	43001	-	63001	-	-
4	Тукли.....	14001	-	-	44001	-	64001	-	84001
5	Махсус.....	15001	-	35001	45001	55001	65001	75001	-
6	Техникавий...	-	-	-	-	-	-	-	-

7	Донали буюмлар.....	17001	27001	37001	47001	-	67001	77001	87001

2.5. ТАНЛАНГАН МОДЕЛЛАР КОЛЛЕКСИЯСИНИ ТАСНИФЛАШ

Замонавий кийим жуда хилма-хилдир, унинг тузилиши ва размерлари одам гавдасининг ўлчамлари ва тузилиши, мода йўналиши мўлжалланиши билан чамбарчас боғлиқдир. Кийимнинг тузилиши деб, бевосита одам танасида кийим ҳосил қиладиган фазовий сиртга айтилади.

Кийимнинг ички ва ташқи тузилиши ва размерлари ажратилади.

Кийимнинг ички размерлари ва уларга тегишли одам гавдаси размерлари орасидаги фарқга кийим тўқислиги учун бериладиган қўшимча ҳақ дейилади. Кийимнинг ташқи тузилиши унинг ички тузилиши билан ва конструктив-силуэт чизиқлари билан аниқланади. Силуэт чизиқлари кийимнинг пропортсиялари, ҳажмий шакли ва ташқи кўринишини характерлайдилар. Конструктив чизиқлар кийим сиртини алоҳида қисмларга бўладилар (деталларга) ва шунинг натижасида кийимнинг ҳажмий шакли вужудга келади. Кийим силуэти бу модани аниқловчи композитсиянинг асосий элементларидан биридир.

Устки елка кийимлари турли чопон ва чакмонлардаан иборат эди. Энг кенг таркалган кийим олди очик чапон эди. Чопоннинг бичими бир хил тунукасимон бўлиб, деталлари, безаклари, матоси ва кийиш усули билан бир биридан фаркланарди. Олджи очик кийимлар калта, узун енгли ёки енгсиз бўлган. Улар тунукасимон бичимли бўлган ҳолда орқа булагининг уртасида ёқа умизидан белгача виточка килинади ва шунинг ёрдамида кийим гавдага ёпишиб турарди. Одам ҳаракатга қулай бўлиши учун ён чокларнинг пастидан кесиб қолдирилари. Чопонлар кайтарма, тик ёқали ёки ёқасиз буларди. Ёқалар ва кайтармалар бошқа рангли матодан қилинади. Аслзодаларнинг кийимида муйна ёқалар ҳам учрарди. Ёқалаарнинг шакли асосан трапетсиясимон бўлган.

Чопонлар астарли эди. Астарнинг матоси ва унинг ранги бошқа буларди. Муйна астарли, муйна шол ёқали, буйи ва енги жуда узун чопон «фараджи» деб аталарди.

Кўпинча чопонлар изма ва тугмалаар ёки богичлар ёрдамида тугмаланарди. Тугмалар асосан бойларнинг кийимида учраган ва бу кийим турида XIX асрда юколган.

Миниатурадаги тасвирларга кўпра аёллар костюмининг номлари, турлари, шакли, бичими, беаги эркакларникига ухшаш бўлган. Ич кийим тунукасимон бичимли узун енгли оқ кўйлак «курта» деб номланган. Ички кўйлак устидан бошқа рангли, тунукасимон бичимли кўйлак «пироҳан» кийишган. Пироҳан узун ёки калта енгли бўлиб, ички куйлагидан калтароқ (тиззагача) эди ва белига ёпишиб турарди.

Ички бел кийими иштон «езор» бўлган. Аёлларнинг устки кийими жома, коба, фараджи, мурсак, ёпинчоқ ва калтачадан иборат эди.

Эркакларга нисбатан аёллар кийими танага ёпишиб тургани билан кийим, бош кийимлари ва заргарлик буюмлари билан фаркланарди.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида миниатура тасвирларида паранжи тасвирланган. Паранжи узунлиги кураккача тушадиган от килидан ясалган тур «чашмбанд» бўлиб у билан аёлнинг юзи беркитилган эди.

Маҳаллий урф одатлар аёллар костюмида ҳам сезиларди. Бухоро кийимлари бойроқ ва башангроқ эди, чунки уларда чет эл таъсирлари кўпроқ бўлган. Асрнинг кинчи йилларида Бухоро модасига ҳинд костюмларининг таъсири сезиларди – кийимлар ёпишиб туриб аёл гавдасини курсатарди.

Самарканд модалари оддийроқ бўлган. Уларнинг сидирга матодан тикилган чопонларида кашта қилинмасди. XVI асрнинг бошида Самаркандда Хирот чопонларига ухшаш кийимларни кийишганди (бутун теурийлар империясига таркалган муйна билан сирланган фараджи).

Аёллар устки кийимига кавилган пахтали чопонлар кийишган улар эркаклар чопонидан бирмунча фаркланиб, тунукасимон бичимли эди. Аёллар чопонининг ёқа умизлари очик ва кенг бўлган. Улар баҳяланмаган, адипи бир-бирига кирмаганди. Ҳоразмликларнинг чопони узига яраша никоҳарли эди. Кулда кавиш урнига улар ҳийлагина машинаадаа кавишган. Билаг кисмида кул учун кесим қилиниб, иш килаётган пайтда ифлос булмаслиги ва ҳалакит бермаслиги учун кадалиб куйиларди.

Пахтали чопонлардан ташкари ёзда кишлоқ асосан Зарафшон водийси аёллари, астарсиз чопон «делегай» кийишган. Бухоро ва Самарканд вилоятларида устки кийим сифатида енгли, бели сал ёпишиб туриб, пастга караб кенгайган астарли чопон «румча»ни кияр эдилар. Румчанинг утказма тор енглариининг узунлиги билагигача эди.

Аёлларнинг маҳсус устки кийими бўлган чопон «мурсак» Ўзбекистонда кенг таркалган у Тошкентда – мурсак, Самаркандда мунисак, калтача, Фаргонада мунисак, мунсак, Бухоро ва Шаҳрисабзда калтача деб аталади.

XIX аср мобайнида мурсак одатдаги башанг кийим бўлган.

Россиядан Урта Осиёга кийимнинг янги тури – «камзол» (камзур, камзул, пешмет) кириб кела бошлади. Бу белга сал ёпишиб турган, калта ва тор утказма энгли, кайтарма ёқали, ёнларида ва кукрагида чунтак қилинган устки кийим бўлган. Шу даврда калта энгсиз кийим, «нимча» (Тошкентда) ва «камзур» (Фаргона водийсида) пайдо бўлган.

2.6. ТАНЛАНГАН МОДЕЛЛАР УЧУН БЕЗАК ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ТАНЛАШ

Ҳар қандай халқнинг кийимида ўзига хос безаклар, ўзга хос ранглар уйғунлиги, бетакрор элементлар бўлади. Ҳамма халқларнинг турли хил кийими услублари ҳисобга олиб этник услубга конкрет элементлар ҳақида гапириш мушкул аммо уммумий хусусиятлари мавжуд.

1. Этно - услубда табиий матоларга ург'у берилади: жун, пахта, ипак, zigirли матолар ва табиий тери. Табиий рангларда бўлган матолар ва табиий бўёқлар билан бўлган матолар.
2. Кийимни безаклашда миллий безаклардан фойдаланиши этно услубга хос. Булар принтлар, патдўзлик, мартонлар, мунчоклар, билан безаш мумкин. Миллий костимларда, кўпинча элементлар орасида безаклар такрорланиши кузатилади. Масалан бу безак ҳам бош кийимида, оёқ кийимида ҳам такрорланиши мумкин. Замонавий этно услубида бу талаблар бажарилмаслиги ҳам мумкин.
3. Этно услубда костюм элементлари этнографик буюмлардан андоза олиб ишлатилади, шунинг учун ўзига хос узунлик, бичим, катталиikka эга. Булар билан уйғунликда соч турмаги ва пардоз ҳам мос бўлиш керак. Принт сифатида паели орнаменти танланди. Бу орнамент ўз тарихига эга. Орнамент ватани деб эрон кўрстилади (айрим манбаларда Ҳиндистон). Бу безак сафавийлар сулоласи даврига хос безакдир. Бу безак Россия ва Г'арбий Европада машҳур бўлиб кетди. Бу хол кашмиррўмоллардаги безаклар билан боғлиқ. Шундай қилиб Шарқнинг "бодринг" нақши Британиянинг тўқимачилик саноатининг сайл-ҳаракалари билан буюн Европани мафтун этди. ХВІІІІ аср охирларида Европа аслзодаларида шунақа нақшлик

кашмиррўмоллари урф бўлиб кетди. Асл кашмиррўмолига соатлаб тикилиб ўтирса бўади, безаклари инсонни мафтун этиб ўзига тортади. Кейинчалик шарқрўмолларига урф Россияга ҳам кириб келди. "Бодринг" нақши ҳеч қачон урфдан чиқмаган, хилма хилрўмоллар, матолар ва х.к.

Абло даржага эришиш учун Ўрта Осиё халқларининг этник услублари устида услубни хиппилар жорий этган. Ҳар қандай инсон ўзига хос ва мос индивидуал услуб танлаш ҳуқуқига эгадир. Бу услубга кирадиган акссесуарларни чегаралаб бўлмайди улар учун чексиз икониятлар бор изланишлар олиб борилди. Шарқ ва Африка халқларининг кийиниш услубларини ўргаиб жамият ичида ажралиб туриши учун ёрқин ранглардан ва матолардан фойдаланилган бу.

ХУЛОСА

Ўзбекитон Республикаси ўзининг мустақил тараққиёт йўлига асосланган ҳолда бозор иқтисодиётига тўла ишонч билан ўтиб бормоқда. Мустақилликнинг ўтган даври мобайнида миллий хўжалигимиз иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланиб, инқироз ҳолатидан чиқарилди ва унинг кўпгина соҳаларида барқарор ўсишга эришилди.

Жамият тараққиётининг барча жабҳаларида, жумладан иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий-маърифий соҳаларида ислоҳотлар амалга оширилиши натижасида мамлакатимизда бир қатор ижобий ўзгаришлар рўй беради.

Лекин, шунга қарамай, бугунги кунда баъзи мутахассисларимизнинг бозор шароити ва талабаларига ўта секинлик билан мослашаётгани, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни сотиш ниҳоятда

қийинчилик билан амалга оширилаётганлиги, бозорда ўз ўрнини топа олмаётганлиги иқтисодиётимиз ривожига катта тўсиқ бўлмоқда.

Ушбу курс лойиҳаси «Янги йил байрами саҳнавий либос дизайн лойиҳасини ишлаб чиқиш» деб номланиб, малака ишини бажаришда бозор эҳтиёжлари қисман ўрганилди, либослар яратилиши учун ижодий манба ва ёшлар истакларини эътиборга олиб, маркет самарадорлигига таъсир кўрсатувчи кўрсаткичлар таҳлил қилинди.

Ўзбекитон Республикаси иқлимий шароитидан келиб чиқиб, либослар яратилишида гигиеник талабларга жавоб берувчи пахтали трикотаж матоси танланди ва асосланди.

Бундан ташқари битирув малакали ишда замонавий мода усул йўналиши, лойиҳани мақсади, вазифаси ва уларни амалга ошириш йўллари ўрганилди. Кийимларни тузилиш талаблари ўрнатилган; техник иқтисодий талаб ва кийимлар лойиҳасининг сифат кўрсаткичлари аниқланди. Турли хил конструктив чизиқли безаклар, асосий қисмни ишланган техник расмларни фор эскизи қайта ишланган. Модел тузиш шунга асосан ишлаб чиқилган ва тикилган. Қўйидаги тўпلام асортимент асосида тузулган ва саноат саноат соҳасига кирмайди. Қиёфа дизайнернинг онги ва таъсуротлари ёрдамида дунёга келади, қачонки ҳақиқий мода асосияси психология, абстракт ва фан маълумотларида намоён бўлса. Тўпلامда бир хилдаги эчим усули ва ташкилот тузулиши сақланиб қолинади. Тўпلامда негизли шакл мавжуд ва шу ёрдамида моделлар тўплами ҳосил бўлади.

Ўзбекитон Республикаси ўзининг мустақил тараққиёт йўлига асосланган ҳолда бозор иқтисодиётига тўла ишонч билан ўтиб бормоқда. Мустақилликнинг ўтган даври мобайнида миллий хўжалигимиз иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланиб, инқироз ҳолатидан чиқарилди ва унинг кўпгина соҳаларида барқарор ўсишга эришилди.

Жамият тараққиётининг барча жабҳаларида, жумладан иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий-маърифий соҳаларида ислоҳотлар амалга оширилиши натижасида мамлакатимизда бир қатор ижобий ўзгаришлар рўй беради.

Лекин, шунга қарамай, бугунги кунда баъзи мутахассисларимизнинг бозор шароити ва талабаларига ўта секинлик билан мослашаётгани, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни сотиш ниҳоятда қийинчилик билан амалга оширилаётганлиги, бозорда ўз ўрнини топа олмаётганлиги иқтисодиётимиз ривожига катта тўсиқ бўлмоқда.

Ушбу курс лойиҳаси «Янги йил байрами саҳнавий либос дизайн лойиҳасини ишлаб чиқиш» деб номланиб, малака ишини бажаришда бозор эҳтиёжлари қисман ўрганилди, либослар яратилиши учун ижодий манба ва ёшлар истакларини эътиборга олиб, маркет самарадорлигига таъсир кўрсатувчи кўрсаткичлар таҳлил қилинди.

Ўзбекитон Республикаси иқлимий шароитидан келиб чиқиб, либослар яратилишида гигиеник талабларга жавоб берувчи пахтали трикотаж матоси танланди ва асосланди.

Бундан ташқари битирув малакали ишда замонавий мода усул йўналиши, лойиҳани мақсади, вазифаси ва уларни амалга ошириш йўллари ўрганилди. Кийимларни тузилиш талаблари ўрнатилган ; техник иқтисодий талаб ва кийимлар лойиҳасининг сифат кўрсаткичлари аниқланди. Турли хил конструктив чизиқли безаклар, асосий қисмни ишланган техник расмларни фор эскизи қайта ишланган. Модел тузиш шунга асосан ишлаб чиқилган ва тикилган. Қўйидаги тўплам асортимент асосида тузулган ва саноат саноат соҳасига крмайди. Қиёфа дизайнернинг онги ва таъсуротлари ёрдамида дунёга келади, қачонки ҳақиқий мода асосияси психология, абстракт ва фан маълумотларида намоён бўлса. Тўпламда бир хилдаги эчим усули ва

ташкilot тўзулиши сақланиб қолинади. Тўпламда негизли шакл мавжуд ва шу ёрдамида моделлар тўплами хосил бўлади.

Kurs ishining maqsadlari: Foreskiz ishlab chiqish, komplekt kiyim 5ta model ishlab chiqish, kiyimlarni bichish va tikish.

Kurs ishining vazifalari: Kiyimlarni ishlab chiqarish jarayonining mazmunini o'rnatilishi bo'lib, ular to'liq amalga oshirildi.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.
2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Тошкент. 1997й.
3. О.И.Крымова «Проектирование швейных изделий» Т.1985г.
4. «Основы теории проектирования костюма» М.Легпромбытиздат, 1988г.

5. Камилова Х.Х., Ларина Н.В., Ташпулатов А.Ш. Шкала процентного распределения типовых фигур мужского населения Узбекистана по данным антропометрического обследования. Ташкент. 1988.
6. Содиқова Н. Ўзбек миллий кийимлари (XIX-XX асрлар). Тошкент. “Шарқ”, 2003.
7. Жабборова М.Ш. Тикувчилик технологияси. Т., «Ўқитувчи», 1989.
8. Изместева А.Я., Юдина Л.П., Умняков П.Н. Проектирование предприятий швейной промышленности. М., «Легкая и пищевая промышленность», 1983.
9. Труханова А.Т. Энгил кийим технологиясидан расмни қўлланма. Т., «Ўқитувчи», 1987.
10. Кокеткин П.П., Кочегура Т.Н. и др. Промышленная технология одежды. Справочник. М., «Легпромбытиздат», 1988.
11. Зак С.И., Горохов И.К. и др. Справочник по швейному оборудованию. М., «Легкая индустрия», 1981.
12. Г.К.Хасанбаева, О.И. Крымова. Кийим моделини ишлаш ва конструкциясини тайёрлаш. 1990 й.
13. Шершнева Л.П. “Конструирование женских платьев” Москва. 1991 г.
14. Козлова Т.В. «Основы теории проектирования костюма». Москва. Легпромбытиздат 1988г.
15. Камилова Х.Х., Хамраева Н.Х. Тикув буюмларини конструкциялаш. Тошкент. 2003 й.
16. Кулиджанова Г.К., Мусаев С.С. Энгил саноат маҳсулотлари технологияси. Т.: Ғафур Ғулом, 2002.
17. Сакулина О. В. Конструирование мужской и женской одежды. Академия, 2007.
18. Мода журналлари.
19. «Швейная промышленность» журналлари.
20. «Швейная промышленность», «Ателе», «Индустрия моды», «Бурда моден», «Интернационал текстиле» журналининг сонлари.

